

НЕМИС ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Шухратхон Имяминова, ЎзМУ профессори

Аннотация: Ушбу мақолада немис тили фразеологик қатлами тўғрисида маълумот берилган ва фразеологизмларни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиш мезонлари тўғрисида сўз юритилади. Фразеологизмларнинг немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг тўрт усули таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Фразеология, фразеологизм, таржима, лексик бирликлар, фразеологик бирликлар, лугавий бирликлар, калка.

Аннотация: В данной статье представлена информация о фразеологическом слое немецкого языка и рассмотрены критерии перевода фразеологии с немецкого на узбекский язык. Анализируются четыре метода перевода фразеологии с немецкого на узбекский язык.

Ключевые слова: Фразеология, фразеологизм, перевод, лексические единицы, фразеологизмы, лексические единицы, калька.

Abstract: This article provides information about the phraseological layer of the German language and discusses the criteria for translating phraseology from German into Uzbek. Four methods of translating phraseology from German to Uzbek are analyzed.

Key words: Phraseology, phraseologism, translation, lexical units, phraseological units, lexical units, calka.

Таржимада тилнинг лексик бирликларига нисбатан мураккаброқ лингвистик воситалар бўлган фразеологик бирликларни тўғри танлаш таржима амалиётидаги энг мураккаб ва айни пайтда энг масъулиятли масалалардан биридир. Чунки фразеологизмлар энг хилма-хил услубий вазифаларни ифодалашда бадий ва тавсифловчи нутқ воситаси сифатида оддий, нейтрал

фикр ифодаси бўлмай, балки унда фикрнинг янгидан яратиш муносабати билан чамбарчас боғлиқдир.

Фразеологик бирликларни таржима қилишнинг ўта мураккаб амалий жараён эканлиги, асосан, бу бирликларнинг табиати – лексик, семантик ва таркибий мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари, кўпгина фразеологизмлар миллий хусусиятга эга бўлиб, бу таржимонлар учун ҳам бир қатор амалий қийинчиликлар туғдиради. Бу масалани хал қилиш учун эса таржимондан икки тилнинг фразеологик қатламини яхши билаш талаб этилади.

Асл ва таржима тилидаги фразеология соҳасини қиёсий ўрганиш, улар ўртасидаги семантик-услубий мослик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида улардан бирини иккинчиси орқали изоҳлаш йўллари ва имкониятларини аниқлаш, тўлиқ таржимани яратиш имкониятини беради.

Фразеологик бирликлар луғавий бирликлар каби кўп маъноли ва кўп функцияли бўлганлиги сабабли, маъно жиҳатдан мос келадиган икки тил бирлиги таржимада ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди, чунки икки тил ва икки халқ ўртасидаги тафовутлар албатта таржимонга халақит беради. Муайян матн вазиятида бир-бирини алмаштира оладиган фразеологик эквивалентлар ёки муқобиллар бошқа матнда семантик хусусиятлари ёки услубий функциялари билан фарқ қилиши мумкин.

Фразеологизмларни таржима қилишда мазмун ва услуб жиҳатидан ўрганилаётган тилдаги асл лингвистик бирликларга мос келадиган лингвистик воситаларни танлашда улар асосидаги образнинг мавжудлигини аниқлаштириш ҳам муҳимдир.

Муқобил лингвистик воситалар ёрдамида маъноси яққол кўзга ташланадиган идиоматик ибораларни таржима қилиш асл нусханинг семантик-услубий хусусиятларининг таржимада такрорланишини таъминлайди. Бирок, фразеологик бирликларнинг тасвири баъзан бир оз ноаниқ бўлган хусусияти лингвистик воситалар орқали эмас, балки тўлиқ барқарор тасвирий композициялардан фойдаланиш ёки аксинча, тасвирий талқини аниқ кўринадиган образлилик орқали амалга оширилади.

Бундан келиб чиқадики, икки тилнинг лингвистик ёки эмоционал ифодалари ва семантик ўхшашликларини ҳисобга олган ҳолда, таржимада ўзаро алмашилиш прагматик жиҳатдан мос келмаслигига олиб келиши мумкин. Матнни чуқур таҳлил қилиш орқали ибораларнинг асл маъноси, услубий вазифалари ойдинлашади. Бинобарин, ўз-ўзидан маълумки, бир матн вазиятида ўзаро алмашинадиган бирликлар бошқа тил вазиятида қўшимча семантик хусусиятга эга бўлиб, бир-бирини ўрнини тўлдира олмайди.

Фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга асосан *тўрт хил йўл билан* - *аслият тилидаги бирликка компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифаси мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда, маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантлар, калка усулида ва тасвирий йўсинда* таржима қилинади.

Эквивалентлар танлаш бўйича таржима. Турли халқлар тил бирликларининг ҳар жиҳатдан ўхшашлиги кўпинча халқларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари ва мантиқий кузатишларидаги умумийлик билан изоҳланади. Тилнинг бошқа воситалари сингари фразеология ҳам кўп сонли универсал ифода нормалари ва ҳаётий кузатишларга асосланади. Натижада, турли тиллардаги сўзларнинг барқарор бирикмалари бир хил мажозий асосда қолади.

Масалан, „*jemanden oder etwas im Auge behalten*“ фразеологизмининг ўзбек тилида ҳам жуда ўхшаш эквивалентлари борлигини айтиш мумкин: *“кимнидир кўздан қочирмаслик, кимнидир ёки ниманидир кўз остида тутмоқ”* [1].

Ушбу фразеологизм билан бошқа мисолларни кўриб чиқамиз:

1. *Er kann uns gefährlich werden, du solltest ihn im Auge behalten!* - *У биз учун хавфли бўлиши мумкин, сен уни кўздан қочирмаслигинг керак!*

2. *Man muss das Kind ständig im Auge behalten, damit es keinen Blödsinn anstellen kann.* - *Болани аҳмоқона иш қилмаслиги учун доимо кўз остида тутishi керак.*

3. *Forschung kann nur erfolgreich sein, wenn sie - zumindest auch - anwendungsorientiert erfolgt. Auch die Hochschulforschung muss dieses Ziel im Auge behalten.* - *Тадқиқот, агар у, ҳеч бўлмаганда, амалиётга йўналтирилган бўлсагина, муваффақиятли бўлиши мумкин. Университет тадқиқотлари ҳам ушбу мақсадни кўз остида тутишлари лозим.*

Шу ўринда ўзбек тилидаги бир хил вариантга эга бўлган яна бир фразеологизмни қайд этиш мумкин: „*im siebenten Himmel sein*“ – „еттинчи осмонда учмоқ“ [2].

1. *Mitfahren war für ihn schon das Größte und als ich ihn selbst hab mit dem Auto fahren lassen, war er im siebten Himmel.* – Машинага чиқиш у учун шундоғам жуда катта орзу эди ва мен унга машинани ўзи ҳайдашига рухсат берганимда, у ўзини еттинчи осмонда ҳис қилди.

2. *Wenn ich heirate, dann möchte ich in meinen Mann total verliebt sein, das ist die Hauptsache. Ich möchte im siebten Himmel sein, wenn ich mit ihm zusammen bin.* - Турмушга чиқсам, эримни бутунлай севиб қолишни истайман, асосийси ҳам шу. Агар у билан бирга болганимда еттинчи осмонда учишни хоҳлайман.

Маъно ва услубий вазифаси жиҳатидан бир-бирига мос келадиган лисоний эквивалентлар мажмуи лексик таркибига кўра бир ёки икки компонент билан фарқланади. Бунинг сабаби, асосан, турли миллат вакилларининг ҳаёт ҳодисаларига ўзига хос ёндашуви, ўз тасаввурида фикр юритиши, кўп нарса ва ҳодисаларнинг сўзларида турлича маъно ва тимсоллар мавжудлигидир. Бир халқ ўзининг экспрессив таркибида бир хил тушунчани ифодаловчи синонимлар мажмуасидан бирини ишлатса, иккинчиси бошқасини қўллаши мумкин, бунинг натижасида икки тилнинг бир хил маъно ва бир стилистик вазифани ифодаловчи компоненти бошқача бўлади.

Нотўғри фразеологик эквивалентларни қўллаш ва таржима. Лексик жиҳатдан бир-бирига мос келадиган икки тилнинг фразеологик бирликлари баъзан маъно ва услубий функцияларида фарқланади. Бу ҳар бир халқнинг моддий ҳаётга, воқеа-ҳодисаларга бошқа тилларнинг таъсири ва унга мустақил ёндашиши билан изоҳланади.

Муқобил вариантлар билан таржима қилиш. Ўрганилаётган тилда дастлаб қўлланилган фразологик бирликка фразологик эквивалент бўлмаганда, кўпинча муқобил вариантлардан фойдаланиш орқали мосликка эришилади. Маъно ва услубий вазифасига кўра мос бўлган икки тилнинг фразеологик бирликлари бир-биридан қисман ёки тўлиқ лексик ёки асосий компонентлардан бошқа элементлар жиҳатидан фарқ қилади. Бундай ифодали бирликлар бир-бирига ўзаро боғланган [3].

Таржимада муқобил вариантлар бир-бирини осонгина алмаштириши мумкин. Чунки бу бирликлар таркибида уларнинг ўзаро алмашинишига тўсқинлик қиладиган миллий хусусиятга эга ва уни акс эттирадиган сўзлар йўқ.

Калка усулида таржима. Фразеологик калка сўзма сўз таржимадан фарқли ўлароқ, ўзининг асл маъно бирлигини ва услубий вазифасини тўлиқ сақлаб қолади. Шу билан бирга асл нусханинг бадиий-эстетик, ғоявий-семантик хусусияти ҳам такрорланади. Бунинг сабаби, калканинг тил табиатини қатъий ҳисобга олиш асосида амалга оширилишидир. Бинобарин, таржима амалиётининг энг самарали усулларида бири ҳисобланган калкани аслият мазмуни ва шаклининг таърифлаб бўлмайдиган ифодаси бўлган харфхўрликка тенглаштириб бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, немис тили фразеологизмларини ўзбек тилига таржима қилиш таржимондан яхши тажрибага эга бўлишни, немис ва ўзбек тилларининг луғат бойлигини кенг билишни талаб қилади. Энг яхши таржима учун сиз аввал бир хил ёки ўхшаш эквивалентларни топишга ҳаракат қилишингиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Umarchujaew M., Nazarow K.. Deutsch-Russisch-Usbekisches phraseologisches Wörterbuch. -Т.: “O‘qituvchi” nashriyoti, 1994
2. Имяминова Ш.С. Бадиий асарлар таржимаси. Ўқув қўлланма. -Т.: „Камалак“ нашриёти, 2018

3. Мусаев Қудрат. Таржима назарияси асослари. -Т.: „Фан“ нашриёти,
2005